# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 29 апрель, № 82 (6012) Сешанба


## МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

*Наманган саноат коллежи ўқувчиларига рақамли дастур асосида бошқариладиган дастгоҳлардан қандай фойдаланиш хусусида сабоқ берилмоқда.*

### Таълимда инновацион технологиялар қўлланилмоқда

Бу — таълим даргоҳида электротехника лабораторияси, компьютер, техник ўлчов асбоблари ва бошқа зарурий ускуналар билан жиҳозланган хоналарда яратилган имкониятлар шарофатидир. Қолаверса, ўқув муассасаси билан ёнма-ён жойлашган “Наманганмаш” акциядорлик жамияти билан ўрнатилган яқин ҳамкорлик алоқалари ҳам ўқувчиларнинг назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Яқинда мазкур коллежда ўқув амалиётларини инновацион технологиялар асосида ташкил этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган республика семинари иштирокчилари наманганликларнинг ушбу йўналишда тўплаган илғор тажрибалари билан яқиндан танишдилар.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Хом ашё захираси 200 йилгача етади

*Қўнғирот туманидаги йилига 11 минг тонна йодланган ош тузи ва 10 минг тонна натрий сульфат ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Қўнғирот натрий сульфат” шўъба корхонаси минтақада мазкур йўналишда фаолият бошлаган дастлабки жамоалардан.*

— Корхонамизга 3,6 миллион АҚШ долларилик замонавий технологиялар келтириб ўрнатилди, — дейди “Қўнғирот натрий сульфат” мутасаддиларидан бири Мирзоҳид Ғуломов. — Айни пайтда хом ашё “Борса-келмас” туз конидан қазиб олиниб, кунига 100 тоннагача олий навли йодланган ош тузи ишлаб чиқарилаяпти. Эътиборлиси, мазкур конда икки юз йилгача етадиган туз захираси мавжуд экан.

Айтиш жоизки, яқин истиқболда корхонада натрий сульфат ишлаб чиқариш ҳам кўзда тутилган. Ушбу хом ашё саноатда, хусусан, шиша, совун ва кальцийлаштирилган сода тайёрлашда кенг қўлланилади.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ёш тадбиркорлар ташаббуси

*Пахтакор тумани хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи битирувчиси Мадина Қураматова 2013 йили туман хотин-қизлар қўмитаси қошидаги “Имкон” ижтимоий кўмак маркази ёрдамида тикувчилик йўналиши бўйича ўз бизнесини йўлга қўйганди.*

Ҳозир ёш тадбиркор ташаббуси билан ўндан ортиқ турдаги маҳсулотлар тайёрланиб, ички бозорга чиқарилмоқда.

— Марказимиз касб-ҳунар коллежларини тамомлаган қизлар бандлигини таъминлаш, аёллар ва уларнинг оила аъзоларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил қилинган, — дейди қўмита раиси Фотима Нурматова. — Қишлоқ ҳудудларида яшовчи ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, уларнинг билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган лойиҳамиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан муносиб баҳоланиб, 2012 йилда 10,5 миллион ва 2013 йилда 13 миллион сўмлик грант ажратилди. Натижада марказда тикувчилик, сартарошлик, қандолатчилик йўналишлари бўйича ҳамда “Устоз — шогирд” анъанаси асосида хотин-қизларга бепул ўқиш имконияти яратилди.

Айни пайтда 88 нафар қишлоқ хотин-қизи шу йўсинда касб-ҳунар сирларини ўрганмоқда.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# КИЧИК БИЗНЕС ВА ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТЛАРИ

ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш баробарида иқтисодиётимиз салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади

*Кейинги йилларда Сурхондарё вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнес субъектларининг ҳиссаси тобора ошиб бормоқда. Бу мамлакатимизда соҳа вакиллари фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, уларга қатор имконият ва имтиёзлар яратиб берилаётгани самарасидир.*

ИЗЛАНИШ

Албатта, имконият изланишга ундайди, рағбат эса муваффақиятлар сари йўл очади. Бу айни пайтда воҳадаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. Қувонарлиси, улар сафи ишбилармон аёллар ҳисобига йилдан-йилга кенгайиб бораётир. Хусусан, биргина ўтган йили вилоятдаги тижорат банклари томонидан 2171 нафар хотин-қизга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун 43,7 миллиард сўмликдан зиёд кредит маблағлари ажратилди. Бу эса, ўз навбатида, 3216 та иш ўрни яратилишига хизмат қилди.

Узун туманидаги “Тўмарис-Истиқлол текстиль” хусусий корхонаси фаолияти ҳам ана шундай имкониятлар туфайли тобора кенгайиб бораяпти. Ҳозир бу ерда болажонлар учун тайёрланаётган бежирим кийим-кечакларнинг бозори чаққон.

(Давоми 2-бетда).



# «Дунфан Цзаобао» газетаси Соғлом бола йили ҳақида

*Яқинда Шанхайда чоп этиладиган оммабоп “Дунфан Цзаобао” газетасида “Ўзбекистон 2014 йилни “Соғлом бола йили” деб эълон қилди” сарлавҳали мақола босилиб чиқди.*

ДУНЁ НИГОҲИ

Чжоу Цзинь қаламига мансуб ушбу мақолада аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниши, айниқса, жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устуворликларидан бири эканлиги алоҳида таъкидланади. “Бундан олдин ҳаётга татбиқ этилган “Она ва бола йили”, “Баркамол авлод йили”, “Оила йили” сингари Давлат дастурлари доирасида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилган эди”, деб ёзади у.

Нашрда қайд этилишича, “Соғлом она — соғлом бола” умуммиллий дастури доирасида ҳаётга татбиқ қилинган улкан ишлар мамлакат ва жамият тараққиёти учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ҳал этиш имконини берди. Шу тариқа мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш давомида она ва бола саломатлигини муҳофаза этишнинг миллий модели яратилдики, у бугунги кунда бутун дунёда ўз эътирофини топди.

Шунингдек, газета 2014 йили Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техникавий базасини янада мустаҳкамлашга, тиббиёт муассасаларини замонавий юқори технология асбоб-ускуналари билан жиҳозлашга ҳамда улар юқори малакали кадрлар билан таъминланишига янада катта эътибор қаратилишини ўз ўқувчиларига маълум қилган. Муаллиф қайд этганидек, Ўзбекистонда кўп тармоқли болалар марказини қуриш кўзда тутилган ва у Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудида ягона марказ бўлади.

(Давоми 2-бетда).

# Юксак ишонч масъулияти

Бундан бир неча йиллар аввал барханлардангина иборат Устюрт кенгликларида ҳаёт қайнайди, таптақир саҳронинг қоқ ўртасида, “Сурғил” кони негизида дунёни ҳайратга соладиган йирик саноат корхонаси — Устюрт газ-кимё мажмуаси қад ростлайди, деса биров ишонармиди?! Истиқлолимизнинг қудратини қарангки, бугун бу ерда бевосита Президентимиз ташаббуси

ДИЛ СЎЗИ

билан рўёбга чиқарилаётган ноёб лойиҳанинг умумий қиймати 3,9 миллиард АҚШ долларига тенг.

Давлатимиз раҳбари 25 апрель куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюриб, ушбу мажмуа қурилиши билан танишди, ишчи ва мутахассислар билан суҳбатлашди.

Эътибор беринг, мазкур мажмуанинг қурилишида салкам 6 минг 400 киши меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг 3 минг 500 нафардан зиёди юртимиз мутахассислари бўлиб, аксарияти ёшлардир.

— Биз мустақиллигимизнинг илк йилларида келажаги буюк давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик, — деди Юртбошимиз мулоқот чоғида. — Бугун замонавий билимларни пухта эгаллаган, мана шундай ноёб заводларда ишлаётган ёшларимизга қараб қувонамиз ва ана шу эзгу ниятларимизга эришаётганимизнинг амалий ифодасини кўрамиз.

Давлатимиз раҳбарининг бу ишончи биз, ёшларнинг қалбимизда ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотди. Албатта, юксак ишончнинг улкан масъулияти ҳам бўлади.

(Давоми 2-бетда).

# Абадиятга дахлдор мерос

*Хабарингиз бор, жорий йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзуида халқаро илмий конференция ўтказилади. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 1 апрелдаги Фармойишига мувофиқ ташкил этилаётган мазкур анжуманда дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан олимлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва илмий марказлар вакиллари қатнашиши кутилмоқда.*




ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Айни пайтда Самарқандда ушбу халқаро анжуманга қизғин ҳозирлик кўрилаяпти. Ҳудуддаги олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари олимлари томонидан дунё цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган аждодларимиз меросини ўрганиш юзасидан олиб борилаётган ишлар таҳлил этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Археология институти олим ва мутахассислари ҳам ўзларининг бу борадаги илмий изланишларидан кенг жамоатчиликни хабардор этмоқда.

Ушбу нуфузли анжуманнинг юртимизда ўтказилиши бежиз эмас. Зеро, Ватанимиз ҳудудида илм-фан, санъат ва маданият қадим-қадимдан шаклланган. Аждодларимиз бундан уч минг йиллар илгари ҳозирги замонавий илм-фаннинг илк пойдеворини қўйган ва ривожлантирган. Шунинг учун ҳам ўрта асрларда Ғарбда “Нур Шарқдан таралади” деган ибора пайдо бўлган.

Археологик ва тарихий тадқиқотларнинг кўрсатишича, илм-фан дастлаб ибодатхоналар ва ҳукмдорларнинг саройларида шаклланган. Ибодатхоналарнинг хизматчилари ва коҳинлар диний маросимларни мукаммал ҳамда ўз вақтида ўтказиш учун астрономия, фалсафа, мусиқани яхши билганлар. “Авесто” китобининг бундан 2700 йиллар илгари бизнинг Ватанимизда, аждодларимиз томонидан яратилганлиги ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

1370 йили Соҳибқирон Амир Темур Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлгач, бу ўлкада илм-фан янада тараққий этган. Ер юзининг тўрт томонидан илм ахтарган одамлар Самарқандга кела бошлаганлар. Амир Темурдан кейин унинг ишларини набираси Мирзо Улуғбек давом эттирди. Мирзо Улуғбек Самарқандда расадхона ва мадрасалар барпо қилди ҳамда “Самарқанд академияси”ни яратди. Мирзо Улуғбек даврида кўҳна шаҳар дунёнинг илм-фан марказига айланди. Бу муаззам заминда юзлаб олиму уламолар илм-фаннинг турли соҳаларида ижод қилдилар.

(Давоми 2-бетда).





«Халқ сўзи» газетаси сайтида ўқинг

**Ибрат ва эзгулик мактаби**

Президентимизнинг «Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори санъат, маданият, маърифат ва маънавият масаласи давлатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг муҳим ҳамда ажралмас қисми эканлигини яққол ифодалайди.

Халқ сўзи
Народное слово


БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## Шу йилнинг биринчи чорагида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми

**8,9** фоиз кўпайди.

Мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, шунингдек, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда, янги қувватларни ишга тушириш, илм-фан ютуқларини ҳаётга татбиқ этиш, ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилгани туфайли соҳада ана шундай юқори кўрсаткичга эришилди.

# «Дунфан Цзаобао» газетаси Соғлом бола йили ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Нашрда Ўзбекистонда ота-онасиз ва имконияти чекланган болаларга алоҳида эътибор қаратилиши хусусида ҳам атрофлича тўхталиб ўтилган. “2015 — 2017 йилларда Меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва мактабгача тарбия муассасаларининг моддий-техника базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда, ўқув-тарбия жараёнини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўрилади. Соғлом боланинг тарбияланишида, оилаларга, биринчи навбатда, ёшларга ўз вақтида моддий ва маънавий кўмак кўрсатилиши борасида маҳалла институтининг ролини оширишга, унинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда”, дея ёзилади газетада.

Юқоридагилардан ташқари, нашрда “Соғлом бола йили” Давлат дастурида мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш кўзда тутилганига ҳам эътибор қаратилган. “Болалар ҳар томонлама баркамол, маънавий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожлангани ҳолда, уларни мактабга тайёрлашнинг янги дастурларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш мўлжалланган. Болаларнинг хорижий тилларни ўрганишларига алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун мактаблардаги чет тиллар кабинетлари замонавий ахборот-коммуникация ва техника воситалари билан жиҳозланмоқда”, дея ёзилади “Дунфан Цзаобао” газетасида.

**«Жаҳон» АА.**
Шанхай

## Қисқа сатрларда

● Фарғонада тадбиркорликни ривожлантириш, хусусан, қулай ишбилармонлик муҳити яратиш, ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтириш, соҳа вакилларига зарур амалий кўмак бериш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда тадбиркорлар учун яратилаётган имтиёзлар, қурилиши тугалланмаган ва бўш турган объектлар, камқувват билан ишлаётган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш борасидаги ишлар ҳақида маълумотлар берилди.

**● Самарқандда “Тафаккур синовлари” кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Адлия вазирликлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорлигида Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида ўтказилган мазкур танловда бешта олий ўқув юрти талабалари қатнашди.**

● Пойтахтимизда давлат ижтимоий буюртмаси асосида ишлаб чиқилган лойиҳалар тақдимоти ҳамда “Ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотлари ривожланиш самарадорлигини ошириш, ижтимоий шерикликнинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш” мавзуидаги семинар-тренингда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир долзарб масалалар кўриб чиқилди.

**● Қарши шаҳрида ташкил этилган “Интернет ва ахборот-кутубхона ресурсларидан фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида фойдаланиш” мавзуидаги халқаро конференцияда кутубхоналар фаолияти, ихтисослаштирилган ҳуқуқий маълумотлар тўпламига киришнинг ўзига хос муаммолари, электрон ресурслар қидиришга оид тизимлар объектига доир мавзуларда маърузалар тингланди.**

● Тошкент шаҳрида қўлда тўқиладиган гиламларни замонавий усулда тайёрлаш бўйича ўқув-тренингнинг учинчи босқичи якунланди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва GIZнинг “Ўзбекистоннинг чекка ҳудудлари иқтисодиётини барқарор ривожлантиришга кўмаклашиш” дастури ҳамкорлигида уюштирилди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Юксак ишонч масъулияти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Буни биз чуқур ҳис этган ҳолда, нефть-кимё соҳасида жаҳондаги энг йирик лойиҳалардан бири бўлмиш Устюрт газ-кимё мажмуасини белгиланган муддатда ишга тушириш мақсадида бутун билимимиз, куч-ғайратимиз ва салоҳиятимизни сафарбар этамиз. Пировардида эса мамлакатимиз қудратининг ёрқин намунасига айланадиган мажмуанинг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун жамоамиз томонидан полимер гранулаларини етказиб берамиз. Зеро, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам.

Ишончимиз комилки, юртимиздаги макроиқтисодий барқарорлик ҳамда қулай сармоявий муҳит таъсирида энг ривожланган давлатлар, нуфузли молия муассасалари мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилаётган экан, келгусида ҳам янги-янги замонавий корхоналар бунёд этилаверади. Уларнинг барчаси эса Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти янада юксалиб, дунёда тараққий этган давлатлар сафидан муносиб ўрин эгаллаши ҳамда халқимиз турмуш фаровонлиги даражаси ошишига хизмат қилади.

**Мирас МАТМУРАТОВ,**
**«Uz-Kor Gaz Chemical» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасининг этилен ишлаб чиқариш бўлими муҳандиси.**

# КИЧИК БИЗНЕС ВА ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТЛАРИ

ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш баробарида иқтисодиётимиз салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Корхона раҳбари Дилафрўз Тўхтасинованинг касби — тикувчилик. У дастлаб 4 нафар чевар билан тадбиркорликка қўл урганди. Ўшанда банк томонидан ажратилган 45 миллион сўмлик маблағ пайпоқ тўқиш дастгоҳларини харид қилишга йўналтирилди. Тадбиркор қисқа фурсатда кредитни тўлиқ қоплаб, яна 47 миллион сўмлик молиявий ёрдам олишга муваффақ бўлди. Ушбу маблағ ҳисобига корхонага замонавий тикув дастгоҳлари келтирилди. Ҳозир “Тўмарис-Истиқлол текстиль”нинг 12 кишилик жамоаси томонидан тайёрланаётган маҳсулотларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилаяпти. Бу эса корхонанинг иқтисодий имкониятлари йилдан-йилга кенгайишида муҳим омил бўлмоқда.

— Чеварларимиз ўтган йили 3000 дона болалар либоси тайёрлаб, савдо шохобчаларига етказиб беришди,— дейди тадбиркор. — Маҳсулот рақобатбардошлиги хом ашё сифатига ҳам боғлиқ. Шу боис мато ва ипларни пойтахтдаги “BF продукции”, Янгиер шаҳридаги “Кармента Ян текс” ҳамда Жарқўрғон туманидаги “Сурхон-текстиль” корхоналаридан олаяпмиз. Натижада 30 турдаги маҳсулотларимиз нафақат маҳаллий, балки хорижлик буюртмачиларга ҳам бирдек манзур бўлмоқда.



Дарҳақиқат, пухта бизнес лойиҳа муваффақиятлар гаровидир. Буни яхши англаган Дилафрўз Тўхтасинова ҳамиша ишни обдон режалаштириб, сўнг уларни бажаришга киришади. Бу жиҳат тадбиркорни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётган банк жамоасига ҳам маъқул. Шу сабабли яқинда тадбиркорга яна 80 миллион сўмлик кредит ажратиладиган бўлди. Ишбилармон аёл ушбу маблағ эвазига корхона фаолиятини янада кенгайтириш ҳамда қўшимча иш ўринлари яратишни мақсад қилган.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

# МАМЛАКАТИМИЗ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

Шу йилнинг 5-6 июнь кунлари Тошкентда “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 2 апрелда қабул қилинган Фармойишига мувофиқ ўтказиладиган мазкур конференцияда Хитой, АҚШ, Франция, Германия, Италия, Буюк Британия, Корея Республикаси, Австрия, Ҳиндистон, Озарбайжон, Бельгия, Болгария, Венгрия, Индонезия, Латвия, Литва, Польша, Словакия каби давлатлардан олимлар, экспертлар, инвесторлар, шунингдек, нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирок этиши кутилмоқда.

Бугунги кунда агросаноат комплекси нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш, балки чет эл инвестициясини жалб қилиш, юқори технологияли асбоб-ускуналарни жорий этиш, экспорт салоҳиятини кенгайтиришда етакчи тармоқлардан бирига айланди. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантириш бўйича 550, паррандачиликда 262, балиқчиликда 345, асаларичиликда 255 лойиҳанинг амалга оширилгани ҳам шундан далолат беради. Қишлоқ хўжалиги соҳаси маҳсулдорлигини оширишга доир чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши самарасида сабзавот етиштириш ҳажми 10,8 фоиз, гўшт 6 фоиз, сут 6,7 фоиз, тухум тайёрлаш 13,5 фоиз ошди. Йирик қорамоллар умумий сони 4 фоиз ўсиб, 10,6 миллион бошга етди.

Асосий икки йўналишнинг ривожлантирилаётгани, яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб, уни тўлиқ қайта ишлаётган ва ўз бизнесини юқори даражада диверсификация қилаётган фермер хўжаликларининг қўллаб-қувватланаётгани, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ускуналари ва технологиялари ишлаб чиқарадиган етакчи хорижий компаниялар билан қўшма корхоналар ташкил этилаётгани бу муваффақиятларда муҳим омил бўлаётир.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган иккита дастурий ҳужжат — 2012 — 2015 йилларда озиқ-овқат саноатини кенгайтириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари дастури ва 2012 — 2015 йилларда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини чуқур қайта ишлаш ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва уларнинг турини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури яқин истиқболда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат саноатини янада ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Тошкентда бўлиб ўтадиган мазкур халқаро конференцияда ана шу ва бошқа масалалар хусусида батафсил маълумотлар берилади.

Конференция иштирокчилари Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги фермер хўжаликлари, қайта ишлаш корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик инфратузилмаси объектларига ташриф буюради. Халқаро конференция бўлиб ўтадиган Симпозиумлар саройида ташкил қилинадиган ихтисослаштирилган кўргазмада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг йўналишлари ҳам намойиш этилади. Бундан ташқари, мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятлари, захира ва салоҳияти тўғрисидаги видеофильм иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинади.

Ялпи ва секцияларга бўлинган мажлисларда жаҳон озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, инсоннинг тўйиб овқатланишига эришиш, истеъмол саватининг мақбул тузилмасини шакллантириш, замонавий агротехнологияларни жалб этиш, узум ва мева-сабзавот экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, инфратузилма ва логистика тизимларини такомиллаштиришга оид лойиҳаларни амалга оширишда халқаро молия институтлари, инвесторлар билан ҳамкорликка доир ҳамда бошқа масалалар муҳокама этилади.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Фермер харидорга етти турдаги маҳсулот таклиф қилмоқда

*Пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослаштирилган “Бўстон Назар” фермер хўжалиги савдо шохобчаларига етти турдаги сут маҳсулотларини етказиб беришни йўлга қўйди.*

ИНТИЛИШ

Натижада сутни қайта ишлаш корхонасини ишга тушириш орқали у кўп тармоқли фермер хўжаликлари қаторидан ўрин олди.

— Лойиҳани амалга ошириш учун 400 миллион сўм сарфладик, — дейди жондорлик фермер Назар Ҳожиев. — Банк 62 миллион сўм миқдорида кредит ажратиш билан бизни қўллаб-қувватлади. Айни дамда кунига икки тонна сутни қайта ишлаб, буюртмачиларга жўнатаяпмиз. Яқинда пишлоқ таёқчалари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилади. Корхонамиз ишга тушиши билан хўжаликда ишловчилар сони 25 нафарга етди.

Айтиш ўринлики, айни пайтда вилоятда 1015 та кўп тармоқли фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

**И. ИСТАМОВ.**

# Абадиятга дахлдор мерос

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тарихий манбаларда айтилишича, Абу Райҳон Беруний 154 та асар ёзган. Улардан то бизгача фақат 24 таси етиб келган. Бу мисолни Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий каби улуғ алломаларимизнинг меросларига нисбатан ҳам айтишимиз мумкин.

Марказий Осиёда тиббиёт илмининг ривожланиши ҳам чуқур илдизларга бориб тақалади. Бунда Марказий Осиёнинг Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашганлигининг аҳамияти каттадир. Чунки Буюк Ипак йўли халқларнинг ўзаро маданий алоқаларига ҳам имкон яратган. У орқали Марказий осиёлик олимлар Қадимги Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон, Рим тиббиёти қўлга киритган ютуқлар билан танишиш имконига эга бўлган. Айниқса, ўрта асрларда Буюк Ипак йўлида Мовароуннаҳрнинг устувор мавқе касб этиши Сўғд илм-фанининг, жумладан, тиббиёт илмининг ривожланишига омил бўлган. Шу даврдан тиббиёт илми билан бевосита боғлиқ фармацевтика соҳаси ҳам шакллана бошлаган. Бу даврга келиб Марказий Осиё шаҳарларида махсус дорихона ва шифохоналар мавжуд бўлганлиги Пойкентда олиб борилган қазишмалар давомида тасдиқланган.

Айтишларича, Бухоро ҳукмдори Нуҳ ибн Мансур хавфли касалликка дучор бўлганда, ёш табиб Ибн Сино уни даволайди. Бунинг эвазига эса шоҳдан сарой кутубхонасидан фойдаланишга рухсат беришинигина сўрайди, холос. Уни тиббиёт илмида дунёга машҳур қилган асари — “Тиб қонунлари” беш томдан иборат бўлган. Асарнинг аҳамияти шунчалик юқори эдики, аллома китоби узоқ асрлар давомида Европа университетларидаги тиббиёт факультетларида асосий қўлланма вазифасини бажарган.

Ибн Сино фақат тиб илмидагина эмас, балки фалсафа, астрономия, кимё, физика, география, мусиқа ва адабиёт соҳаларида ҳам самарали ижод қилган. Ҳозиргача унинг бу илм соҳаларида яратган 300 дан ортиқ илмий асарлари аниқланган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан буюк аждодларимиз бой илмий меросини ўрганиш, уларнинг хотираларини тиклаш ва абадийлаштиришга киришилди. Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Абу Мансур Мотуридий, Ҳаким ат-Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Мирзо Улуғбек каби улуғ аждодларимизнинг таваллуд айёмлари нишонланди.

Тарихий манбаларда Имом Мотуридий Самарқанддаги машҳур Чокардиза қабристонига дафн этилганлиги таъкидлаб ўтилган. Ушбу қабристон ўрни ҳозирги Регистон майдонининг шарқий томонида жойлашган бўлиб, ўтган асрнинг 40-50-йилларида қабристон бутунлай йўқ қилиниб, ўрнига ҳовли-жойлар қурилган эди. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 декабрдаги қарорига биноан, 2000 йилда алломанинг 1130 йиллик таваллуд санасини нишонлаш муносабати билан институтимиз олимлари Чокардиза қабристонида қазишмалар олиб борди. Натижада қабристоннинг умумий майдони 4,5 гектар, маданий қатламининг қалинлиги эса 6-7 метрга етиши аниқланди. Тадқиқотлар давомида Имом Мотуридий қабри ёнида XI асрларда бунёд қилинган ва кейинги асрларда қайта қурилган масжиднинг пойдевори топилди. Шу пойдевор асосида Имом Мотуридийнинг қабри аниқланди.

Қабртошлардаги ёзувлар, ёдгорликда қайд этилган бошқа қабртош-қайроқларнинг мутахассислар томонидан ўрганилиши X-XIII асрларда Самарқандда яшаб ижод қилган, номлари ҳали бизга маълум бўлмаган кўплаб алломаларнинг шахсиятини аниқлаш имконини берди.

2000 йилда юртимизда яна бир улуғ аллома — Бурҳониддин Марғиноний хотирасига чуқур эҳтиром сифатида унинг 910 йиллик юбилейи тантаналари халқаро миқёсда нишонланди. Алломанинг асарлари, ҳаёти, ижоди кенг кўламда тадқиқ этилди. Марғиноний 1118 йилда Фарғона водийсидаги Риштон қишлоғида таваллуд топган. Манбаларда қайд этилишича, у ҳам Самарқанд шаҳрининг Чокардиза қабристонига дафн этилган.

Марғиноний дастлабки сабоқни Марғилонда олган бўлиб, манбаларда Марғиноний Марғилоннинг Пирсиддиқ маҳалласида 13 йил яшаганлиги ва шу ерда ўзининг машҳур “Ҳидоя” китобининг биринчи қисмини ёзиб тугатганлиги қайд этилади. Кейинчалик у Мовароуннаҳрнинг ўша даврдаги маданий ва маърифий марказларидан бўлган Самарқандга кўчиб бориб, истиқомат қилган ва илмий фаолият юритган.

Хулоса ўрнида айтишимиз лозимки, юртимизда илм-фан бундан уч минг йиллар илгари шаклланган. Аждодларимиз қомусий олимлар бўлиб, улар бир вақтнинг ўзида математика, астрономия, геодезия, география, тарих, арифметика, фармакология, тиббиёт, фалсафа ва тилшунослик илмлари билан ҳам шуғулланганлар. Мустақиллик туфайли юртимизда туғилиб, илмий мероси жаҳон узра довруқ қозонган буюк аждодларимиз номлари тикланмоқда. 2014 йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтадиган халқаро илмий конференция эса улуғ аждодларимизнинг ана шундай бой маънавий мероси аҳамиятини яна бир карра англаш имконини беради.

**Амриддин БЕРДИМУРОДОВ,**
**ЎзР ФА Археология институти директори.**

# Божхона тизимида ягона ахборот тармоғи

*Бухорода "Божхона хизматида тадбиркорлар учун берилаётган қулайликлар" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.*

ТАДБИР

Тадбирда таъкидланганидек, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, улар фаолиятида дуч келиши мумкин бўлган бюрократик тўсиқларни бартараф этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Божхона расмийлаштируви бўйича хизматларни интерактив шаклда кўрсатишга ўтиш юзасидан бажарилаётган юмушлар ҳам шу ишларнинг мантиқий давомидир. Бугунги кунгача соҳада махсус дастур доирасида 13 та ахборот тизими ва 20 та интерактив хизмат жорий этилган. "Олот" чегара божхона мажмуасида Ягона ахборот тизимига бирлаштирилган радиацион назорат комплекслари, барча божхона постлари ва объектлари видеоназорат тизими билан таъминланган. Айни пайтда Давлат божхона қўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими ўз ичига 25 га яқин ахборот тармоғини қамраб олган. Улардан 12 таси давлат ахборот тизими сифатида рўйхатдан ўтган. Буларнинг бари тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган электрон хизматлар сифатини оширмоқда. Шу билан бир қаторда, тегишли сертификат ва рухсатномаларни электрон кўринишда олиш имконини берувчи "Ягона ойна" ахборот тизимини ишга тушириш, интернет орқали кўрсатилаётган интерактив хизматлар кўламини кенгайтириш режалаштирилган.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2014 ЙИЛ 19 АПРЕЛДАН 25 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш, бериш, сотиш, тақсимлаш ва ҳисобга олиш шартлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 24 мартдаги 4-сонли буйруғи.*

**2014 йил 23 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1090-1 (2014 йил 28 апрелдан кучга кирди).**

2. «Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлигининг 2014 йил 3 апрелдаги 2014-13, 28-сонли қарори.*

**2014 йил 23 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2200-4 (2014 йил 28 апрелдан кучга кирди).**

3. «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йиллик қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитасининг 2014 йил 14 апрелдаги 64, 32, 2014-12, 2-мб-сонли қарори.*

**2014 йил 24 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1192-3 (2014 йил 28 апрелдан кучга кирди).**

4. «Устав капитали 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларини фонд биржасида мажбурий листингга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 16 апрелдаги 2014-16, 01/37-26/15-сонли қарори.*

**2014 йил 24 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1801-1 (2014 йил 28 апрелдан кучга кирди).**

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ АХБОРОТ ФАОЛИЯТИ ВА МАЪЛУМОТЛАР УЗАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИ ТЕЛЕРАДИОЭШИТТИРИШ СОҲАСИДА ТЕЛЕРАДИОЧАСТОТАЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ҲАМДА ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҲУҚУҚИГА ЯККА ТАРТИБДА ЛИЦЕНЗИЯЛАР БЕРИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Танловга қуйидаги радиочастоталар қўйилди:**

| Лот | Радиочастоталар | Узаткич қуввати | Тарқатиш ҳудуди |
|---|---|---|---|
| | **I. Теледастурларни тарқатиш** | | |
| 1 | 23 ТВК (частота полосаси 486,0-494,0 МГц) | 100 Вт | Термиз шаҳри |
| 2 | 3 * ТВК (частота полосаси 76,0-84,0 МГц) | 1 кВт | Сурхондарё вилоятининг саккизта тумани |
| 3 | 25 ** ТВК (частота полосаси 502,0-510,0 ) | 100 Вт | Қўқон шаҳри |
| 4 | 8 *** ТВК (частота полосаси 190,0-198,0 МГц) | 100 Вт | Қўқон шаҳри |
| 5 | 38 ТВК (частота полосаси 606,0-614,0 МГц) | 100 Вт | Наманган шаҳри ва қисман Андижон вилояти |
| 6 | 26 ТВК (частота полосаси 510,0-518,0 МГц) | 100 Вт | Қарши шаҳри |
| 7 | 3 * ТВК (частота полосаси 76,0-84,0 МГц) | 5 кВт | Самарқанд шаҳри |
| | **II. Радиодастурларни тарқатиш** | | |
| 8 | 100,2 МГц (FM диапазон) | 10 Вт | Қарши шаҳри |
| 9 | 92,3 МГц (FM диапазон) | 10 Вт | Қўқон шаҳри |
| 10 | 90,4 МГц (FM диапазон) | 10 Вт | Наманган шаҳри |
| 11 | 100,2 МГц (FM диапазон) | 1 кВт | Андижон шаҳри |
| 12 | 104,5 * МГц (FM диапазон) | 500 Вт | Самарқанд шаҳри |

* — *РРТМ ДУКдан ижара шарти асосида*
** — *рақамли телевидение жорий этилиши сабабли, иккиламчи асосда фойдаланишга ажратилади*
*** — *РРТМ ДУКдан ижара шарти ва рақамли телевидение жорий этилиши сабабли, иккиламчи асосда фойдаланишга ажратилади.*
*ТВК — телевизион канал.*

**Танлов ўтказиладиган сана** — 2014 йил 27 июнь.
**Буюртманомалар қабул қилишни бошлаш санаси** — 2014 йил 29 апрель.
**Буюртманомалар қабул қилишни тугатиш санаси** — 2014 йил 28 май.
**Танлов ўтказиш жойи** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлислар зали.
**Буюртманомалар қабул қилиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, Ҳукумат уйи.
**Маълумот учун комиссия ишчи гуруҳи телефонлари:** (8-371) 239-46-13, 239-84-57.

Телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастоталардан фойдаланишга танловда иштирок этиш учун буюртманома шакли, унга илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати, пул ўтказиш учун банк ҳисоб рақамлари, танлов шартлари, лицензия талаблари ва шартлари билан **www.ccitt.uz** ва **www.gis.uz** веб-сайтларида танишишингиз мумкин.

666R/354

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ**

**кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.**

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

**Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади:** янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағларининг ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

**Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.**

**Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.**
**Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com**
**Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.**
**Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

188A/93

# ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Жорий йилнинг март ойида Франция меҳнат биржасига 1600 киши иш сўраб мурожаат қилди, дейилади "Евроньюс" телеканали хабарида.*

## Барча чоралар кўрилмоқда

Шу тариқа мамлакатда ишсизлар сони 3 миллион 349 минг кишига етди. Бу февралдаги кўрсаткичга нисбатан 0,2 фоиз, ўтган йилнинг иккинчи ойидаги ҳолат билан таққослаганда эса 4,1 фоиз кўпдир. Вазият янада мураккаблашмаслиги учун Франция ҳукумати барча чораларни қўллашга уринмоқда. Масалан, январь ойида мамлакат президенти штат жадвалини кенгайтирган компанияларга солиқ бўйича имтиёзлар берилишини назарда тутувчи дастурни тақдим этганди. Экспертларнинг фикрича, бундай саъй-ҳаракатлар, секин-аста бўлса-да, самарасини кўрсатади. Мамлакат расмий доира вакиллари ҳам жорий йилда меҳнат бозори барқарорлашишига катта ишонч билан қарашаяпти.

## Рейтингини кўтарди

*"Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлиги Италиянинг кредит бўйича рейтингини "ВВВ+" даражасига кўтарди.*




Яъни иқтисодий жиҳатдан Европада учинчи ўринда турадиган ушбу мамлакат "барқарор" рейтинг даражасини олди. Изоҳланишича, Италия молиявий инқироз келтириб чиқарган рецессия ҳолатидан чиқишга муваффақ бўлгани туфайли агентликнинг ана шундай баҳосига муносиб кўрилди.

Европа Иттифоқи маълумотларига кўра, айни пайтда Италиянинг давлат қарзлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 132 фоизга тенг бўлиб турибди. Бу дунё бўйича энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

## Торнадо талафотлари

*АҚШнинг Оклахома штати Шимоли-шарқий ҳудудларида юз берган торнадо оқибатида икки киши ҳаётдан кўз юмди.*



Табиий офат етказган моддий зарар ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Бунгача эса торнадо мамлакатнинг Шимолий Каролина штатига жиддий талафот келтирганди. Хусусан, ўн беш киши тан жароҳати олган ҳамда 140 га яқин бино зиён кўрган эди.

Синоптиклар кучли довул йўналиши Канзас, Миссури, Миссисипи, Небраска, Айова, Арканзас, Техас ва Луизиана штатлари томон ҳаракатланаётганини билдириб, мазкур ҳудудлар аҳолисини юз бериши мумкин бўлган хавфдан огоҳлантирган.

## Энг яхши футболчилар

*Англия профессионал футболчилари ассоциацияси (PFA) "Ливерпуль" ҳужумчиси Луис Суаресни мамлакат премьер-лигасида жорий мавсумнинг энг яхши ўйинчиси, деб топди.*



Шундай бўлишини аввалданоқ жуда кўпчилик тахмин қилаётганди. Чунки Суарес 2013/2014 йилги футбол мавсумини юксак савияда ўтказаяпти. Жумладан, у 31 ўйинда майдонга тушиб, рақиблар дарвозасига 30 та гол киритишга муваффақ бўлди. Шунингдек, 17 та голли узатмани амалга оширди. "Ливерпуль" жамоаси айни пайтда 80 очко билан турнир жадвалида пешқадамлик қилмоқда.

Иккинчи ўринни "Челси" ярим ҳимоячиси Эден Азар эгаллаган бўлса, кучли учликни "Манчестер Сити" ярим ҳимоячиси Яя Туре якунлаб берди. Дарвоқе, Эден Азар мавсумнинг энг яхши ёш футболчиси сифатида ҳам эътироф этилди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

**«Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали**
***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

2014 йил 30 май куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* Термиз шаҳар СИБ томонидан Термиз ҳарбий судининг 2013 йил 17 январдаги 170-сонли ҳукмига асосан хатланган, Термиз шаҳар ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган «М-2140» русумли, давлат рақами 19 Р 53 95, техник носоз.

***Бошланғич баҳоси — 1 440 000 сўм.***

* Қизириқ тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 13 сентябрдаги 1019/9788-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бандихон тумани, Бандихон маҳалласида сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Matiz DLX» русумли, давлат рақами 75 678 ААА.

***Бошланғич баҳоси — 16 265 060 сўм.***

* Узун тумани СИБ томонидан ФИБ Сариосиё туманлараро судининг 2014 йил 7 январдаги 2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Узун тумани, ОАТБ «Микрокредитбанк»да сақланаётган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, «Tico» русумли, давлат рақами 75 D 816 CA, техник қисман соз.

***Бошланғич баҳоси — 12 000 000 сўм.***

2014 йил 14 май куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

* Жарқўрғон тумани СИБ томонидан Жарқўрғон тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида ва «Минор» ҚФЙ, Қорабура маҳалласида сақланаётган, ЖИБ Жарқўрғон тумани судининг 2013 йил 19 апрелдаги 1-59-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-138 А» русумли (юк ташувчи), давлат рақами 19 D 0305.

***Бошланғич баҳоси — 12 555 000 сўм.***

* ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2013 йил 7 августдаги 1-188-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, «Москвич-412» русумли, давлат рақами 19 E 6268.

***Бошланғич баҳоси — 655 200 сўм.***

* Сариосиё тумани СИБ томонидан, ЖИБ Сариосиё тумани судининг 2013 йил 5 сентябрдаги 1-142-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сариосиё тумани ИИБда сақланаётган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ ВАЗ-21099» русумли, давлат рақами 75 X 699 BA.

***Бошланғич баҳоси — 8 893 800 сўм.***

* ЖИБ Сариосиё тумани судининг 2013 йил 17 июндаги 1-81-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сариосиё тумани, «Аэропорт» МФЙ, 8/7-уйда сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz best» русумли, давлат рақами 75 X 177 DA.

***Бошланғич баҳоси — 8 177 420 сўм.***

* Термиз шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2013 йил 23 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳар ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, «ВАЗ11183-110-20» русумли, давлат рақами 75 G 702 DA.

***Бошланғич баҳоси — 15 697 800 сўм.***

* ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2013 йил 18 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, суд департаментининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳовлисида сақланаётган, ишлаб чиқарилган йили номаълум, «Honda» русумли, давлат рақамисиз, техник носоз.

***Бошланғич баҳоси — 3 323 185 сўм.***

* Денов тумани СИБ томонидан Денов тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, ЖИБ Денов тумани судининг 2013 йил 29 октябрдаги 02-80-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1974 йилда ишлаб чиқарилган, «М-426» русумли, давлат рақами 19 G 62 59, носоз.

***Бошланғич баҳоси — 325 920 сўм.***

* ЖИБ Денов тумани судининг 2014 йил 8 январдаги 1-341-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ ГАЗ-24» русумли, давлат рақами 75 F 936 DA.

***Бошланғич баҳоси — 3 391 150 сўм.***

* Шўрчи тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 30 декабрдаги 19-1207/20689-сонли ва 2013 йил 3 майдаги 19-1303/3657-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Шўрчи тумани, Кўклам маҳалласида сақланаётган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, «Hyundai santa fe» русумли, давлат рақами 75 101 DAA.

***Бошланғич баҳоси — 79 099 727,06 сўм.***

* ЖИБ Жарқўрғон тумани судининг 2013 йил 29 майдаги 1-68-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21011» русумли, давлат рақами 75 O 824 DA.

***Бошланғич баҳоси — 2 708 640 сўм.***

* ЖИБ Жарқўрғон тумани судининг 2013 йил 22 апрелдаги 4112-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, «Лайлакхона» МФЙда сақланаётган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21063» русумли, давлат рақами 19 E 37 56.

***Бошланғич баҳоси — 3 693 600 сўм.***

* Қумқўрғон тумани СИБ томонидан ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 18 январдаги 1-71-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани ИИБ ЙҲХБнинг жарима майдончасида сақланаётган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «Tico» русумли, давлат рақами 75 N 849 DA, техник таъмирталаб.

***Бошланғич баҳоси — 9 405 000 сўм.***

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2014 йил 14 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2014 йил 29 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

665R/165

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Мурожаат учун телефон: (+99893) 792-78-18.**

**Гувоҳнома № 004059.**

**Давлат, хусусий ҳамда бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар раҳбарлари диққатига!**

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармаси**

**10 000 дона 205х140 см. адёл, 70 000 жуфт ип газлама пайпоқ сотиб олиш бўйича тендер савдоси эълон қилади.**

***Таклифлар 2014 йил 31 майгача қабул қилинади.***

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 25-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 291-64-15, 291-44-33, 291-68-02.**
**Факс: (8-371) 291-68-69, 283-27-84.**
**E-mail: guin_mvd_uz@bk.ru**

667R/360

**«Тошкент труба заводи» ҚК**
**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харидорларга тақдим этади.**

**Мисланган пайвандлаш сими**
СВ08Г2С, ГОСТ 2246-70,
∅ 0.8, 1.0, 1.2, 1.4, 1.6, 2.1, 2.5, 3.5, 4.0, 5.0,
баҳоси 1 тонна учун 5 500 000 сўмдан бошлаб.

**Тўқиладиган ва мих ишлаб чиқаришда қўлланиладиган сим,**
∅ 0.8, 1.0, 1.2, 1.4, 1.6, 2.1, 2.5, 3.5, 4.0, 5.0,
баҳоси 1 тонна учун 3 300 000 сўмдан бошлаб.

**Конструкцияда фойдаланиладиган профиллар, ўлчамлари:** 80х40х15, 100х40х15, 100х50х20, 120х60х20, 140х60х20, 160х70х20, 180х70х20, 200х70х20 ҳажмли, девор қалинлиги 2.0-4.0 мм., баҳоси 1 тонна учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.



***(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)***

**МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.**

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

61R/956

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Хаким Бобожоновга онаси **ШУКУРХОН** момонинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент молия институти жамоаси Бюджет ҳисоби кафедраси мудири Султонали Меҳмоновга падари бузруквори **УМАРАЛИ** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика болалар руҳий-асаб касалхонаси жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, тиббиёт фанлари номзоди **Ирина Алексеевна САВЕЛЬЕВА**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

# Спорт



“Тошкент” халқаро аэропортида Болгариянинг София шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида юқори натижаларни қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларини кутиб олиш маросими бўлди.

Унда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, спорт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда мухлислар қатнашди.

## Ўзбек боксининг истиқболи

Тадбирда сўз олганлар таъкидлаганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор туфайли йигит-қизларимиз кўплаб халқаро турнирлар, қитъа ҳамда жаҳон чемпионатлари, Олимпиада ўйинларида муносиб иштирок этмоқдалар. Ана шундай истеъдодларимиз томонидан қўлга киритилаётган ғалабалар шарафига байроғимиз баланд кўтарилиб, Ўзбекистонимизнинг номи дунё узра янада кенг ёйилмоқда. Ғуруримизга ғурур қўшаётган бундай муваффақиятларда ўзбек бокс мактаби вакилларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Жорий йилнинг 10 — 25 апрель кунлари Болгариянинг София шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида терма жамоамиз аъзолари битта олтин, битта кумуш ва иккита бронза медалига сазовор бўлгани бунинг исботидир.

Дунёнинг 105 мамлакатидан 606 нафар спортчи иштирок этган мазкур нуфузли мусобақада боксчилар нафақат совринли ўринлар, балки шу йилнинг август ойида Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасида бўладиган II Олимпиада ўйинлари йўлланмалари учун ҳам кураш олиб бордилар. Айнан шу жиҳат беллашувларнинг қизиқарли ва муросасиз кечишини таъминлади. Чемпионат якунида 22 давлат вакилларига совриндор бўлиш насиб этди. Олтин медалларни эса олтита мамлакат спортчилари қўлга кирита олди, холос. Мана шу натижаларнинг ўзиёқ боксчиларимиз эришган муваффақиятнинг аҳамиятини яққол кўрсатиб беради.

Жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Бектемир Меликўзиев юксак иқтидор соҳиби эканлигини исботлади. 69 кг. вазн тоифасида иштирок этган спортчимиз Карлос Товар (Гватемала), Георгий Харабадзе (Грузия), Олексий Токарчук (Украина), Хуан Роман Солано (Доминикан Республикаси)ни мағлубиятга учратиб, финалга чиқди. Ҳал қилувчи баҳсда хорватиялик Лука Пртенякдан уч раундда ҳам устунлик қилган Бектемир жаҳон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.

Нуфузли мусобақада ёрқин иштироки билан мухлису мутахассислар назарига тушган умидли боксчимиз жаҳон чемпионатининг “Энг яхши боксчиси”, дея эътироф этилди.

Энг енгил вазн тоифаси (49 кг.)да беллашувларда қатнашган Сулаймон Латипов туркманистонлик Байрамхон Перманов, молдовалик Лулиан Иванов, аргентиналик Николас Алфонсо, туркиялик Мерт Каракилиж ва озарбайжонлик Руфат Ҳусайновни мағлубиятга учратиб, кумуш медаль билан тақдирланди.

Яна икки нафар боксчимиз Иқболжон Холдоров (60 кг.) ва Козимбек Мардонов (75 кг.) кучли учликдан жой олди.

*— Жаҳон чемпионатида ўсмирларимиз она-Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб, юртимизда юксак салоҳиятли авлод вояга етаётганини амалда исботлашди, — дейди Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Марат Қурбонов. — Бизнинг эндиги асосий мақсадимиз, ўсмирлар ўртасидаги II Олимпиада ўйинларида ҳам юқори натижаларни қўлга киритиш. Шароитлар, имкониятлар етарли. Бундай эътиборга, албатта, ёрқин ғалабаларимиз билан жавоб қайтарамиз.*

Жаҳон чемпионати якунларига кўра, Нанкин шаҳрида бўладиган Олимпиада ўйинларида бокс бўйича Ўзбекистон шарафини Бектемир Меликўзиев, Сулаймон Латипов ва Иқболжон Холдоров ҳимоя қилади.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## Қизғин баҳслар арафасида

*Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак даражадаги эътибор туфайли ҳар бир ҳududдан кўплаб истеъдодлар етишиб чиқаяпти. Уларни кашф қилишда уч босқичли мусобақалар тизими беқиёс аҳамият касб этаётир.*

*Хусусан, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт ўйинларида қатнашаётган ўғил-қизларимиз шу орқали нуфузли турнирлар ҳақида муайян тасаввурга эга бўлишмоқда, имкониятларини синовдан ўтказиб, кейинчалик машқлар жараёнида маҳоратларини янада оширишга интилишмоқда.*

«Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақаларининг республика босқичига наманганлик ёшлар жиддий тайёргарлик кўришмоқда.

Дастлабки умидбахш ютуқларини айнан уч босқичли мусобақаларда қўлга киритган, тажриба тўплаган ёшларимиз эндиликда жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Олимпиада ўйинларида муносиб қатнашиб келишаяпти. Жорий йилда Наманганда бўладиган навбатдаги спорт анжумани — “Баркамол авлод” ўйинларининг республика босқичида ҳам янгидан-янги иқтидорлар кашф этилиши шубҳасиз.

Айтиш жоизки, мусобақаларни юксак савияда ўтказиш учун мезбон вилоятда энг кўркам спорт объектлари танланган. Хусусан, “Паҳлавон” спорт мажмуасида бадиий гимнастика, “Баркамол авлод” спорт мажмуасида енгил атлетика, қўл тўпи, оғир атлетика, футбол, шахмат, сузиш, “Дўстлик” теннис кортида теннис, стол тенниси, Наманган Олимпия захиралари коллежида баскетбол, Наманган муҳандислик-педагогика институти спорт залида волейбол, Олий спорт маҳорати мактабида дзюдо, юнон-рум кураши, эркин кураш, бокс, таэквондо WTF бўйича баҳслар бўлиб ўтади.

Бўлғуси беллашувларга наманганлик ёшлар ҳам қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Вилоят вакиллари бундан уч йил муқаддам Термизда ўтказилган “Баркамол авлод” ўйинларида спортнинг етти тури бўйича совринли ўринларни қўлга киритишганди. Аммо умумий натижадан кўнгиллари тўлмаган эди. Бу гал эса уларнинг нияти катта — энг кучли учта терма жамоа сафидан жой олиш.

Вилоят терма жамоасини шакллантириш мақсадида спортнинг 16 тури бўйича ташкил этилган саралаш босқичида беш мингдан зиёд ёшлар иштирок этди. Улар орасидан 97 нафар иқтидорли ўқувчи танлаб олинди. Жамоавий спорт турлари бўйича республика миқёсида ўтказилган саралаш баҳсларида эса наманганлик ёшлар қўл тўпи, волейбол (ўсмирлар), баскетбол, волейбол, қўл тўпи (қизлар) бўйича финал босқичи йўлланмасини қўлга киритишди.

— Спорт — баркамоллик омили, у билан мунтазам шуғулланиш киши руҳиятини кўтариб, мақсадлари йўлидаги интилишларига куч беради, — дейди бадиий гимнастика бўйича республика чемпиони Шоҳиста Рашидова. — Ҳозирги кунга қадар қандай ютуқларга эришган бўлсам, айни шу омил асос бўлганини доимо ҳис этиб тураман. Бултур Зулфия номидаги Давлат мукофотини қўлга киритдим. Айни чоғда “Баркамол авлод — 2014” мусобақаларига астойдил тайёрланаяпман. Насиб қилса, олтин медаль олиб, терма жамоамиз муваффақиятига муносиб ҳисса қўшаман.

Мамлакат миқёсидаги йирик мусобақа йўлланмасини қўлга киритган ёшларнинг кўпчилиги Шоҳиста сингари спортнинг ўзи танлаган йўналиши бўйича маҳоратли йигит-қизлар саналишади. Масалан, “Баркамол авлод” ўйинларида бокс бўйича вилоят шарафини ҳимоя қиладиган Чуст туманилик Суннатилла Баҳодиров ўн ёшидан бери ушбу спорт тури билан шуғулланади. У турли беллашувларда тажриба орттирган. Яқинда ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда учинчи ўринни эгаллади. 17 давлатнинг 160 нафар вакили орасида бронза медалига сазовор бўлиш жуда катта гап. Суннатилланинг кайфияти аъло, шашти баланд. “Баркамол авлод” ўйинларида шундай юқори кайфиятда қатнашиб, ғолиб бўлишни дилига туккан...

Юртимизда спортни оммалаштиришдан кўзланган асосий мақсад, аввало, жамиятда соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашдан иборатдир. Бунинг аҳамиятини Президентимиз жуда кўп ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб берганлар. Жорий йилнинг 28 январида бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида давлатимиз раҳбари, жумладан, шундай деган эдилар: “2014 йилни мамлакатимизда “Соғлом бола йили” деб эълон қилдик. Бу масалага янгича қарашни, масъулиятни янада оширишни талаб этади. Бу ҳақда сўз борганда, халқимиз қалбидан чуқур жой олган, эзгу даъватга айланиб бораётган бир шиорни эслаш ўринли, деб биламан. Яъни соғлом бола — аввало, соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир. Спорт ана шундай оилаларни шакллантирадиган энг яхши воситалардан биридир. Спорт билан шуғулланган йигит-қизлар соғлом ва бақувват, фикри тиниқ бўлади. Келгусида фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялайди. Бундай оилалар кўпайса, бутун жамиятимизнинг соғлом муҳити янада мустаҳкамланади.”

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Мусиқачилар муваффақияти

*Жорий йилнинг 13 — 20 апрель кунлари Францияда ташкил этилган халқаро танловда В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчилари Дилшод Сатторов, Абдурашид Зокиров ва Нинель Ковалёва ўз йўналишлари бўйича биринчи ўринни эгаллади.*

— Ўқувчилик йилларимдан буён кўплаб халқаро танловларда иштирок этганман, — дейди Дилшод Сатторов. — Ҳар гал жаҳон саҳнасига чиқаётганимда Ватан меҳри, юртдошларимнинг қўллаб-қувватлашларини ич-ичимдан ҳис қилиб тураман. Биз — ўзбекистонлик ёшларнинг муваффақиятлари юртимизда ёш истеъдодларга кўрсатилаётган эътибор, билдирилаётган ишонч ва рағбат натижасидир.

**Дилфуза ҚАРШИБОЕВА.**

### Маданият хабарлари



## Билимдонлар беллашуви

*Фарғона давлат университетида “Тафаккур синовлари” республика танловининг саралаш босқичи бўлиб ўтди.*

Бир неча йилдан буён анъанавий ўтказиб келинаётган ушбу танловда вилоятдаги олий ўқув юртларининг иқтидорли талабалари ўзаро куч синашдилар. Танловда иштирокчилар мамлакатимиз суд-ҳуқуқ ва ижтимоий-сиёсий тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини қизиқарли саҳна кўринишлари орқали намойиш этдилар. Якунда Фарғона давлат университети талабалари жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг кейинги босқичига йўлланма олди.

**Баҳриддин ШАЙВАЛИЕВ.**

*Она заминимизнинг пурвиқор тоғларию бепоён қир-адирлари, мусаффо ҳавоси ҳар доим киши эътиборини тортади. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизга келувчи сайёҳлар сафи ҳам тобора ортиб бормоқда.*




## Юртимизнинг бетакрор гўшалари

сайёҳликнинг истиқболли тармоғини ривожлантириш учун қулай омилдир

Бу эса, ўз навбатида, экотуризмни янада ривожлантиришни талаб этмоқда. Зомин туманида БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш, фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик” лойиҳаси ана шу мақсад рўёбига қаратилгани билан диққатга сазовордир.

Мазкур лойиҳа манзили сифатида айнан ушбу маскан танлангани бежиз эмас. Чунки денгиз сатҳидан 3000 метр баландликдаги арчазорлар, табиий-иқлим ҳамда маданий-этнографик шароит туризмнинг соғломлаштириш-даволаш, экологик, спорт ва бошқа турларини ривожлантириш имконини беради.

Ҳудуд икки қисмга — Туркистон тизма тоғларининг шимолидаги “Зомин” давлат қўриқхонаси ва “Зомин” халқ боғи қисмига ажратилади. Қўриқхона ўз ҳудудидаги барча табиий ресурсларни муҳофаза этиш ва дахлсизлигини таъминласа, халқ боғи ноёб тоғ экотизимларини сақлаш, тиклаш ва рекреацион тадқиқ қилиш мақсадига хизмат қилади. Шу маънода, уни табиий шифохонага қиёслаш мумкин. Чунки ушбу боғда 50 дан ортиқ шифобахш гиёҳлар ўсади.

Бундан ташқари, деярли ўн икки минг гектарга яқин майдондан иборат энг йирик ва табиий ўрмонлар ҳам шу ерда жойлашган. Тоғлардан мунтазам эсиб турувчи майин шабада, дарё ва сой бўйларидаги оқ терак, мажнунтол ва жийдадан иборат қалин чакалакзорлар сайёҳлар ҳамда дам олувчиларга ҳудуднинг бетакрор табиатини кўз-кўз қилади гўё.

Шундоққина катта йўл ёнидаги “Бухорои шариф”, “Шаршара”, “Ўрикли”, “Зомин” сингари дам олиш масканларида эса меҳмонлар нафақат ҳордиқ чиқариб, ўз саломатликларини тиклайдилар, балки маҳаллий ҳунарманду ишбилармонлар меҳнати билан яқиндан танишадилар, миллий қадрият ва анъаналаримиз ҳақида бой таассурот оладилар.

Мухтасар айтганда, бугун экотуризм — сайёҳликнинг жадал ривожланаётган тармоқларидан бирига айланмоқда. Бу табиат неъматларини асраб-авайлаш, уларни келгуси авлодга асл ҳолича етказишдек эзгу мақсадга хизмат қилаётгани билан эътиборга моликдир. Бундай ишларни жадаллаштиришда эса ҳуқуқий пойдеворнинг мустаҳкамлиги экотуризмга мос ҳудудлар кашф этилиб, уларда сайёҳлар учун қулай шарт-шароитлар яратилишида қўл келаётир.

Кўриниб турибдики, ноёб табиат обидалари, ўсимлик ва ҳайвонот оламини асраб-авайлаш, келажак авлодга аслидек етказишда бу каби лойиҳаларнинг аҳамияти беқиёс. Бунга офтоб атрофни қизитиб, заминимиз яшилликка бурканган шу кунларда Зоминга келган ҳар бир киши гувоҳ бўлиши, шубҳасиз.

**Комилжон ҚАРШИБОЕВ,**
**Жиззах вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси.**

## Кино ва ёшлар

*“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида шу йилнинг 3-6 май кунлари бўлиб ўтадиган “Кино ва ёшлар” мавзуидаги республика форуми олдидан матбуот анжумани ўтказилди.*

АНЖУМАН

Унда маданият ва санъат арбоблари, киношунослар, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг жорий йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини тўлақонли таъминлашнинг муҳим омилларидан бири, бу — экранларда ёш авлодга тааллуқли масалалар, хусусан, болалар ва ёшларнинг қизиқиш ҳамда интилишларини инобатга олган ҳолда уларнинг мустақил фикрлаши, ҳаётий қараш ва позицияларини мустаҳкамлаш, ўзлигини шакллантиришга хизмат қиладиган профессионал даражадаги кинокартиналарни яратишга кўмаклашишдир. Шу билан бирга, ёшлар ўртасида соҳада мавжуд масалаларни муҳокама қилиш орқали киноижодкорларда бугунги кунда яратилаётган фильмларга нисбатан ижтимоий масъулиятни оширишдан иборат.

Мазкур форумда республикамизнинг етакчи киноижодкорлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари фаоллари, ижодкор ёшлар ва талабалар, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги қошидаги Бадиий кенгаш аъзолари қатнашадилар.

— Бугунги кунда мамлакатимизда йилига 100 га яқин тўлиқ метражли кинокартиналар ишлаб чиқилмоқда, — дейди “Камолот” ЁИҲ Марказий кенгаши масъул ходими М. Баёнов. — Яратилаётган киноасарларнинг катта қисми хусусий киностудиялар ҳиссасига тўғри келиб, томошабинларнинг 70 фоизга яқинини 14 ёшдан 25 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Аксарият кинофильмлар ёш киноижодкорлар томонидан турли савияда яратилмоқда. Форумда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилиб, якунда тегишли тавсиялар ишлаб чиқилиши режалаштирилган.

Анжуманда “Кино ва ёшлар” мавзуидаги форум олдидан журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ.**

РЕКЛАМА






C and H Industry
Construction Equipment & Service

VOLVO

**Иностранное предприятие**
**ООО «С and H Industry»**
**предлагает**
**ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНУЮ ТЕХНИКУ**

*Под заказ.*

**Адрес: г. Ташкент, 100015, Мирабадский р-н, ул. Айбека, 38 «А», бизнес-центр «Авалон», 2-й этаж.**
**Тел./факс (+99871) 252-50-03, моб.: (+99891) 162-52-86, (+99891) 162-52-85.**
**E-mail: uzvolvo@gmail.com**



336R/188

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 469. 121 618 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5